

**БИОСФЕРА ЭКОЛОГИК МУВОЗНАТИНИНГ МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ  
ОМИЛЛАР БИЛАН ДЕТЕРМИНЛАШИШ ХУСУСИЯТЛАРИ.**

**Особенности детерминации экологического равновесия биосферы  
через призму духовно-нравственных факторов.**

**Features of determination of the ecological balance of the biosphere by  
spiritual and moral factors.**

*O'rinboyeva Maftuna Sodiqovna  
Farg'ona politexnika instituti*

*“O‘zbekiston tarixi va ijtimoiy fanlar” kafedrasida katta o‘qituvchisi*

*Ergashev Ulug'bek Adhamovich  
Farg'ona politexnika instituti*

*“O‘zbekiston tarixi va ijtimoiy fanlar” kafedrasida o‘qituvchisi*

*Umurzaqov Ahmadjon Mahamadovich  
Farg'ona politexnika instituti*

*“O‘zbekiston tarixi va ijtimoiy fanlar” kafedrasida o‘qituvchisi*

**Аннотация**

Ушбу мақолада замоннинг “табиат-жамият-инсон” тизими доирасида экологик вазиятга доир муҳим ҳисобланган биосферанинг детерминлашиш хусусиятлари тўғрисида илмий фаразлар баён қилинган

**Аннотация**

В данной статье представлены научные гипотезы об определяющих свойствах биосферы, важных для экологической ситуации в рамках современной системы «природа-общество-человек».

**Annotation**

This article presents scientific hypotheses about the determinative properties of the biosphere, which are important for the ecological situation in the framework of the modern "nature-society-human" system.

**Таянч иборалар:** табиат-жамият, экология, ахлоқий нормалар, конформистик хусусият

**Основные термины:** природа-общество, экология, нравственные нормы, конформистская черта.

**Basic terms:** nature-society, ecology, moral norms, conformist feature

Жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, мафкуравий сиёсий муносабатлари, шу жумладан “табиат-жамият-инсон” тизимининг мутаносиблиги ҳам, муқаррар равишда, экологик маънавий-ахлоқий нормалар билан детерминлашган бўлади. Яъни, бундай тақозоланганлик: **биринчидан**, юқорида кўрсатилган муносабатларнинг ҳар қандай йўналиши “табиат-жамият-инсон” тизими доирасида намоён бўлганлиги учун ҳам, ҳар бирининг ривожланиш хусусиятларини бошқариш: бевосита ёки билвоситалиги, англаганлиги ёки англамаганлигидан қатъий назар, экологик ахлоқ нормаларига асосланади; **иккинчидан**, “табиат-жамият-инсон” тизими элементларини бошқариш универсал ва муштарак-муҷассам характерга эга бўлганлиги учун ҳар бирига, нисбатан мустақил бўлишига қарамасдан, комплекс-системали ёндошишни, ахлоқий нормаларга асосланишни тақозо қилади; **учинчидан**, “табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқаришда экологик ахлоқий норма ва тамойилларнинг бошқа ижтимоий онг шаклларига нисбатан универсаллиги ва устуворлиги ижтимоий таракқиётнинг тарихий заруриятидан ҳамда инсоният цивилизацияси келажagini экологик хавфдан сақлаб қолиш манфаатидан келиб чиқади; **тўртинчидан**, “табиат-жамият-инсон” муносабатлари тизимини ташкил қилган структуравий элементларининг нисбатан мустақил ривожланиш хусусиятлари, уларни бошқаришнинг ахлоқий норма ва тамойилларига дифференциал ёндошишни тақозо қилади. Шунинг учун “табиат-жамият” муносабатларини бошқаришда экологик ахлоқий нормаларнинг бошқа ижтимоий онг шакллари ва амалий фаолият йўналишлари билан детерминлашиш хусусиятларини структуравий-функционал таҳлил қилиш экологик ижтимоий борлиқнинг ривожланиш қонуниятларини ва истиқболларини аниқлашга ёрдам беради.

“Табиат-жамият” муносабатларни детерминлаштирувчи омиллар тизимида экологик ахлоқий нормалар, бир томондан, кундалик онг даражасида прагматиклашган тарзда мавжуд бўлиб, конкрет инсоннинг экологик ахлоқий норма ва тамойилларга риоя қилиш маданияти, маънавий салоҳият даражаси индивидуаллиги билан характерланади. Иккинчи томондан, муайян экологик

маконнинг хусусиятлари: табиат бойликларидан оқилона фойдаланиш, табиатнинг айрим элементларига алоҳида муносабатни шакллантириб, махсус экологик ахлоқий нормаларни вужудга келтирган ва уларнинг функционал самарадорлигини оширишни тақозо қилмоқда.

Экологик ахлоқий нормаларнинг функционал самарадорлиги унинг объектив ва субъектив омилларга боғлиқ бўлиб, бу ҳақда Х.Х.Пўлатов “Қишлоқ шароитида табиатни муҳофаза қилиш маданиятини шакллантиришнинг объектив ва субъектив омиллари” мавзусидаги диссертациясида Марказий Осиёдаги тарихий шаклланган ишлаб чиқариш усулининг махсус экологик маданият типини шакллантирганлигини қайд этади<sup>1</sup>. Лекин, унинг қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши консервативлиги, миллий ва диний анъаналарнинг нисбатан турғунлиги, табиатни муҳофаза қилишда конформистик характери ҳақидаги фикрлари қуйидаги сабабларга кўра мунозарали: Биринчидан, ҳозирги замон қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг индустриалашуви ва ҳаёт шароитининг урбанизациялашиш даражаси, унинг конформистик хусусиятини ўзгартирмоқда. Яъни, қишлоқ аҳолиси экологик интеллектуал салоҳиятининг ўсиши табиатга нисбатан лоқайдлик ва бепарволикни бартараф қилишнинг субъектив омили сифатида намоён бўлмоқда. Иккинчидан, тарихан шаклланган миллий ва диний экологик қадриятларнинг тикланиши ҳамда ижодий ривожлантирилиши табиат муҳофазасига оид замонавий ижтимоий-ахлоқий муносабатларни вужудга келтирмоқда. Учинчидан, экологик муаммоларнинг глобаллашуви ва кескинлашуви, халқаро экологик ахборотлар айирбошлашнинг коммуникация тизими ривожланиши “консервативлик”, “конформистик”, кайфиятларни бартараф қилишга хизмат қилмоқда. Тўртинчидан, ҳозирги замонавий таълим-тарбия тизимида амал қилаётган (баъзи ташкилий камчиликларга қарамасдан) педагогик-дидактик фаолият бутун аҳолида табиатга нисбатан маънавий-ахлоқий муносабатларни шакллантирмоқда. Шу сабабларга кўра, республикамизда “табиат-жамият-инсон” муносабатларини ахлоқий нормалар ва тамойиллар асосида ташкиллаштиришнинг институционал тизими таркиб топиб,

қишлоқ жойларида ҳам муайян муваффақиятларга эришилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, экологик хавфнинг глобаллашиб кетиши билан, унинг оқибатларини бартараф қилиш учун жаҳондаги давлатларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият кўрсатиш заруриятини англашлари умуминсоний экологик кадриятларнинг устуворлашувига олиб келмоқда. Буни умуминсоний ва миллий экологик кадриятларнинг уйғунлашуви ҳамда объектив ривожланиш қонунияти тарзида эътироф этиш зарур. Дарҳақиқат, “турли кадриятларнинг умуминсоний негизда уйғунлашуви, цивилизациялараро мулоқотнинг янгича сифат касб этиши, экологик офатлар пайтида ўзаро ёрдам кўрсатиш имкониятларининг ортиши — табиийки, буларнинг барчасига глобаллашув туфайли эришилмоқда”

Умуман, “табиат-жамият-инсон” муносабатларини ахлоқий нормаларга кўра бошқаришнинг ҳуқуқий асослари жамият ривожланиш даражасига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, инсоннинг табиий ресурсларни истеъмол қилиш эҳтиёжларини қондириш имкониятининг чегараланганлиги, ахлоқий регламентлардан чиқиб кетишга олиб келади. Ваҳоланки, инсон моддий эҳтиёжларининг маънавий-ахлоқий бошқарилиши биосфера экологик мувозанатининг шартидир. Аммо ҳар қандай давлат ва жамиятда турли тарихий даврларда моддий эҳтиёжларнинг нисбатан устуворлиги экологик ахлоқий кадриятларни кейинги ўринларга суриб қўйган. Бу эса, ўз навбатида, экологик муаммоларни кескинлаштиришга олиб келган. Чунки, “бугунги кунда ҳар қайси давлатнинг тараққиёти ва равнақи, нафақат яқин ва узоқ қўшнилар, балки жаҳон миқёсида бошқа минтақа ва ҳудудлар билан шундай чамбарчас боғланиб бораяптики, бирон мамлакатнинг бу жараёндан четда туриши ижобий натижаларга олиб келмаслигини тушуниш, англаш қийин эмас”. Шунинг учун ҳам “табиат-жамият-инсон” муносабатларини бошқаришга йўналтирилган сиёсий усуллар, ҳуқуқий актлар, ахлоқий нормалар уйғунлиги экологик барқарор тараққиётнинг муҳим омили ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Tuhtarov I. et al. Kant's pedagogy and contemporaneity //Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation. – 2021. – Т. 32. – №. 2. – С. 1633-1636.
2. Burkhonov, I. (2021, June). THE IMPORTANCE OF THE SCIENTIFIC HERITAGE OF ASOMIDDIN URINBOYEV IN THE STUDY OF THE HISTORY OF THE KOKAND KHANAT. In *Конференции*.
3. Maxmudova A. N. ALOUDDIN ATOMALIK JUVAYNIYNING “TARIXI JAHONGUSHOY” ASARI XORAZMSHOHLAR DAVLATI TARIXIGA OID MUHIM MANBA //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 11. – С. 322-329.
4. Олтмишева Насибахон Гуламжоновна, Мамаюнусова Матлюба Исмаиловна Особенности формирования личности // Проблемы Науки. 2020. №1 (146). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-formirovaniya-lichnosti> (дата обращения: 06.01.2022).
5. Мамаюнусова Матлюба Исмаиловна, Олтмишева Насибахон Гуламжановна Место экологического воспитания в семье // Вестник науки и образования. 2019. №20-3 (74). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/mesto-ekologicheskogo-vospitaniya-v-semie> (дата обращения: 06.01.2022).
6. Эргашев Улугбек Адхамович, Уринбаева Мафтуна Садиковна, Умурзаков Ахмаджон Махаматович Рынок и нравственность // Проблемы Науки. 2019. №10 (143). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rynok-i-nravstvennost> (дата обращения: 06.01.2022).
7. Умурзаков А. М. ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ВЕРЫ //Экономика и социум. – 2021. – №. 4-2. – С. 507-510.
8. Усмонова Мухтасар Акбаровна, Расулова Шоира Азизовна Влияние темперамента на деятельность и поведение человека // Вестник науки и образования. 2019. №19-3 (73).
9. corners Tojiboev U. U. et al. PROBLEMS OF DEVELOPMENT OF RECREATIONAL TOURISM IN THE FERGANA VALLEY //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2020. – Т. 2. – №. 1. – С. 169-172.
10. Тишабаева Лола Арифовна Духовно-нравственное воспитание студентов в вузах Республики Узбекистан // Вопросы науки и образования. 2018. №1 (13). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/duhovno-nravstvennoe-vospitanie-studentov-v-vuzah-respubliki-uzbekistan> (дата обращения: 06.01.2022).
11. Тожибоев У. У., Рахимов И. А. ДУХОВНЫЕ ОСНОВЫ ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА //Актуальная наука. – 2019. – №. 11. – С. 137-140.
12. Ergashev U. A. Relationship with religion in Uzbekistan //Экономика и социум. – 2020. – №. 5-1. – С. 37-39.

13. Эргашов У. О., Нуриддинов М. А. ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ ЭЛЕКТРОННОГО ПРАВИТЕЛЬСТВА // Современная наука: актуальные проблемы, достижения и инновации. – 2020. – С. 212-215.
- 23 Эргашев Улугбек Адхамович, Уринбаева Мафтуна Садиковна, Умурзаков Ахмаджон Махаматович Рынок и нравственность // Проблемы Науки. 2019. №10 (143). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rynok-i-nravstvennost> (дата обращения: 06.01.2022).
- 24 12. Ergashev U. A., Umurzakov A. M. THE IMPACT OF ENVIRONMENTAL ISSUES ON HUMAN LIFE // Экономика и социум. – 2020. – №. 8. – С. 26-29.
- 25 Abdukhamidov I., Tojiboyev U. OBJECTIVE REASONS OF THE MIGRATION PROCESS IN THE FERGHANA ECONOMIC REGION. EPRA International Journal of Economic Growth and Environmental Issues ISSN: 2321-6247. Volume: 8. Issue: 5. December 2020, 16-19.
- 26 Abdukhamidov I. PROCESSES OF POPULATION MIGRATION IN FERGHANA REGION // INTERNATIONAL CONFERENCE. "THE HISTORY OF THE FERGHANA VALLEY IN NEW RESEARCHES". Section 4. 2021, 3-10.
- 27 Умурзаков А. М. ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ ВЕРЫ // Экономика и социум. – 2021. – №. 4-2. – С. 507-510.
- 28 Ergashev U. A. Relationship with religion in Uzbekistan // Экономика и социум. – 2020. – №. 5-1. – С. 37-39
- 29 Usmonova M. A. ABOUT SOME ASPECTS OF FAMILY EDUCATION // Экономика и социум. – 2021. – №. 3-1. – С. 341-343.
- 30 Ergashev U. A., Hakimov A. M., Usmonova M. A. THE PHENOMENON OF JUSTICE IN YOUTH EDUCATION AND ITS CHARACTERISTICS // Экономика и социум. – 2021. – №. 2-1. – С. 130-132.
- 31 Ахмаджон Махаматович Умурзаков ДИНИЙ ФАНАТИЗМ ВА ЭЪТИҚОД МАСАЛАЛАРИ // Scientific progress. 2021. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/diniy-fanatizm-va-eti-od-masalalari> (дата обращения: 12.02.2022).